МЕҲНАТ ФАЛСАФАСИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Ф.Турғунбоев

Мақолада мустақиллик йилларида меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришда юз берган туб ўзгаришлар ҳамда меҳнат менталитетининг янгиланиш хусусиятлари илмий тадқиқ этилади.

***Калит сўзлар**: меҳнатга муносабат, меҳнат менталитети, меҳнат муносабатлари.*

В статье исследуются коренные изменения в организации труда и управления им, а также особенности обновления трудового менталитета в годы независимости.

***Ключевые слова**: отношение к труду, трудовой менталитет, трудовые отношения.*

The article studies and discusses the problems of organization of labour process and and its administration as well as changes having taken place during the years of Independence.

***Key words**: relation to labour, labour mentality, labour relations.*

Меҳнат инсон ҳаёт фаолиятининг асоси, унинг ўзи яшаб турган жамиятга нисбатан муносабати шакл-шамойилини белгиловчи муҳим омилдир. Шу боис инсон ва жамият тарихи аввало меҳнат фалсафасининг предмети билан боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда ҳам яқин ўтмишда, шўролар тузумида инсон ва меҳнат ўртасига солинган субъектив барча тўсиқлар олиниб, меҳнатсевар халқимиз ўзининг ижодий меҳнат эркинлигига эришди. Меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий асослари, менталитетга хос хусусиятлари ўзгарди, инсоннинг меҳнатга муносабати ўз измига тушди, меҳнатдан бегоналашув кайфияти барҳам топди ва у инсон ҳаётининг асосий маънавий юксалишида бош омилга айланди. Халқимизнинг табиатига хос меҳнатсеварлик характери қайта тикланиб, янги-янги ютуқ ва ғалабалар сари дадил етакламоқда.

Инсонда меҳнатга муносабатнинг тўғри шаклланиш йўли хусусий мулкка эгалик қилиш масаласи билан бевосита боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли» эканлиги қайд этилиб, ҳар бир шахсга оилавий мерос ва ўз меҳнати эвазига олинган хусусий мулкка эгалик қилиш, уни тасарруф этиш, хусусий меҳнат жамоаси тузиш ва бошқариш ҳамда ўзининг турмуш фаровонлигини ошириш имконияти қонуний асосга қўйилди.

Конституцияда фуқаронинг мулкий ҳуқуқлари ва унинг дахлсизлигининг таъминланиши инсон табиатига хос интилиш ва эгалик қилиш руҳиятининг жонланишига кучли туртки берди, меҳнатга муносабатнинг ўзгаришига олиб келди. Инсон руҳиятида эркин ва ижодий меҳнат қилишга иштиёқ пайдо бўлди, у меҳнатга барча орзу-истаклари сари элтувчи асосий омил сифатида қарай бошлади.

***Ф.Турғунбоев** – ФарДУ ижтимоий фаолият назарияси ва услубиёти кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори.*

Давлат мулкини хусусийлаштириш ва хусусий мулкчилик шаклларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида қисқа тарихий давр ичида халқ хўжалиги тизимида туб сифат ўзгаришлар қилишга эришилди. Асосий эътибор ҳар жиҳатдан самарали хўжалик субъекти ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилди. Агар 1991 йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1,5% ни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 31,5% га, 2014 йилда эса 55,5% ни ташкил этди. 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 85% га етди. Саноат маҳсулотларининг қарийб 85% и, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг салкам 100% и, чакана савдо айланмаси эса тўлиқ ҳолда ана шу сектор ҳиссасига тўғри келди.

Бу рақамлар ортида миллионлаб оддий меҳнат кишилари турганлигини эътиборга олсак, масаланинг туб моҳияти, яъни инсоннинг мулкка эга бўлиши натижасида меҳнатга муносабатнинг қай даражада яратувчанлик омилига айланаётганини яққол кўриш мумкин. Мулкчилик муносабатларида олиб борилаётган туб ислоҳотлар туфайли аҳолининг реал даромадлари миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, охирги 10-12 йил мобайнида реал даромад аҳоли жон бошига 8,6 баробар кўпайди. Мулк эгалигини кўрсатувчи яна бир муҳим соҳа бу аҳолининг банклардаги омонатларининг ўсиши бўлиб, сўнгги ўн йилда унинг миқдори 40 баробардан зиёд ошди. Натижада 2012 йилда мамлакатимиздаги барча инвестицияларнинг 20% дан ортиғини аҳоли инвестициялари ташкил этди. Бугунги кунда аҳолининг қарийб 50% и ўзини ўрта тоифага мансуб деб ҳисобламоқда. Бошқача айтганда, мамлакатимизда сифат жиҳатидан мутлақо янги ижтимоий қатлам – ўрта мулкдорлар синфи шаклланди. Бу синфнинг меҳнатга бўлган муносабатидаги ўзгаришлар унинг етакчи кучга айланишида бош омил бўлиб турибди [4.42]**.**

«Юртдошларимизнинг, - деб таъкидлайди юртбошимиз Ислом Каримов, - бутун жамиятимизнинг ҳаётидаги ана шундай ўзгариш ва янгиланишлар, ўз моҳият эътиборига кўра, бугунги кунда мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб боришини таъминлаётган ҳал қилувчи кучга айланмоқда» [1.7].

Меҳнат менталитети хусусиятларига кўра профессионаллашув меҳнат муносабатлари ўзгаришида етакчи тенденциялардан бирига айланиб бормоқда. Меҳнат менталитети авлоддан-авлодга анъанавий усуллар ва воситалар ёрдамида ўтиб келаётган, инсон онги ва тафаккури шакллашамойилининг белгиланишида ҳал қилувчи юксак маънавий кучдир. Тарихан ўтроқ турмуш тарзига эга халқимиз ҳаётида анъанавий меҳнат турлари, касб-ҳунарлар ҳар доим муҳим қадрият сифатида асраб-авайлаб келинган. Мустақиллик шарофати билан улар барча тўсиқ ва тақиқлардан озод бўлди, янги шакл ва мазмун касб эта бошлади. Анъанавий касб-ҳунарлар оилавий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кучайишига кучли туртки берди, унинг тез ва кенг кўламда ривожланишини таъминламоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти юритиш меҳнатни эркин ва самарали ташкил этиш имкониятларига бойлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу шахснинг меҳнат муносабатларида бош омилга айланишига, эгалик ҳиссининг кучайишига, индивидуал иқтидори ва лаёқатини тўлиқ сафарбар этишга, ҳар бир имкониятдан ўз ўрнида самарали фойдаланишга ва меҳнатидан маънавий қониқиш ҳосил қилишга ёрдам беради.

Меҳнатга муносабатнинг ўзгаришида оилавий тадбиркорликнинг кенг қулоч ёзиши алоҳида муҳим роль ўйнамоқда. Оилавий тадбиркорликнинг ўзига хос афзаллиги шундаки, унда фаолият тури меҳнат менталитетидан келиб чиқиб эркин таналанади, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш усули оила аъзолари ўртасида ўзаро келишув асосида демократик йўл билан танланади, меҳнат тақсимоти ёш, жинс, маълумот ва иш тажрибасидан келиб чиқиб самарали ташкил этилади. Оилавий тадбиркорликда ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муҳити барқарор бўлиб, меҳнат самарадорлиги юқори бўлади. Бу ички катта имкониятлар 2012 йилда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинишига асос бўлди.

Оилавий тадбиркорликнинг оммалашиши кишилар меҳнат фаолиятининг кўп тармоқли, сермазмун, сердаромад бўлишига яқиндан ёрдам бермоқда. Бошқача айтганда, жамиятда асосий касб-ҳунарни оилавий ёрдамчи хўжалик билан узвий боғлаб олиб бориш ҳаракати шаклланди. Бу ҳаракатнинг негизи инсонда меҳнатга муносабатнинг эркин ва ижодий белгиланиши билан боғлиқ.

Бу янгиланиш тенденциясини биргина Фарғона вилояти Қува туманидаги Насриддиновлар оилавий фермер хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Асли касби шифокор бўлган оила бошлиғи оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга яратилаётган шарт-шароитлардан руҳланиб, тумандаги тошлоқ ва сув кам 123 га. ерда фермер хўжалиги ташкил этиб, чорвачилик, парандаа-

чилик ва деҳқончиликни замонавийлаштиришда ўзига хос тажриба мактаби яратмоқда. Германиянинг «Резн» ва Бельгиянинг «Фландр» номли қуён зотлари олиб келиниб, компьютер ёрдамида парвариш қилинмоқда. Бу зотдор қуёнлар вояга етгач, ўртача 18 кг гўшт қилади.

Оилавий тадбиркорлар Россиянинг «Олтой» фирмаси билан ҳамкорликда гулчиликда янгилик яратиш мақсадида 100 дан ортиқ гул навлари устида тажрибалар олиб бориб, бугунги кунда 30 дан ортиқ янги гул навларини яратишга муваффақ бўлдилар.

Оилавий тадбиркорларнинг чорвачиликни ривожлантириш бўйича тузган режалари ҳам эътиборга моликдир. Улар халқ табобатида шифобахш бўлган от, эчки ва туя сутлари етиштириб, ўзига хос «шифокафе» очиш ҳамда сутни қайта ишлаш заводи қуришни режалаштирганлар. Бу оилавий тадбиркорлар мисолида меҳнат менталитетимиздаги замонавийлашиш, яъни трансформация жараёнлари самарасини кўриш мумкин.

Оилавий тадбиркорликнинг устувор ривожланиши меҳнатга муносабатда ҳар бир фуқаро кўп касб-ҳунарли бўлишга интилиши тенденциясининг кучайиши, оммалашишига туртки бермоқда. Халқимизда «Йигит кишига қирқ ҳунар оз» деган ибратли ҳикмат жуда қадрланади. Бу ҳикмат замирида касб-ҳунарли бўлиш, қўшимча ҳунарларни ўрганиш инсонга ҳеч қачон зарар қилмаслиги, аксинча, турли мураккаб шароитлардан чиқиб кетишда қўл келиши таъкидланади.

Асосий ишдан ташқари бўш вақтларда қўшимча машғулотлар билан банд бўлиш, бир томондан, инсонга ўзининг ички қизиқишидан келиб чиқиб бирон-бир «хобби»сини шакллантириш имкониятини берса, бошқа томондан, оила бюджетини кўпайтиришга катта ёрдам бўлади.

Меҳнат муносабатларида юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлар кишилар руҳияти ва кайфиятида яқин ўтмишда шаклланган боқибеғамлик, дангасалик, тайёрига айёрлик, очкўзлик, кўзбўямачилик, порахўрлик каби ўта зарарли иллатларнинг барҳам топишига имконият яратмоқда. Ижтимоий онгда уларнинг ўрнини ялпи меҳнат сафарбарлиги, масъулиятни ҳис қилиш ва зиммага олиш, ҳар бир соҳада омадини синаб кўриш, ҳаётий тажрибага таяниш, янгиликлар ортидан қувиш, меҳнат ва вақтнинг қадрига етиш, ҳисоб-китоб қилиш, ўзининг ҳақи ва ҳуқуқини талаб қилиш, ҳалол меҳнати билан тинч ва осуда яшашга интилиш каби ижобий тенденциялар эгалламоқда.

Меҳнатга муносабатнинг ўзгариши ва янгиланишида иқтисодиётга тобора кенг кириб келаётган хорижий инвестициялар, замонавий технологияларга асосланиш тенденцияси муҳим ўрин тутади. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва қулай инвестицион муҳитнинг яратилиши туфайли хорижий инвесторларда биз билан ҳамкорлик қилишга интилиш йилдан йилга ошиб бормоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, хорижий инвесторлар халқимизнинг юксак интеллектуал салоҳияти, меҳнатсеварлигини алоҳида қадрламоқдалар.

Фикримизнинг исботи учун айрим рақамларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ўтган 2013 йилда иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 11,3 фоизга ўсди. Хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 3 миллиард АҚШ долларидан оршди, уларнинг 72 фоиздан ортиғи тўғридан – тўғри инвестициялар бўлди [5]. Хорижий инвестиция киритаётган давлатлар орасида Жанубий Корея, Япония, Хитой, Россия, Германия, АҚШ ва бошқа давлатларнинг етакчилик қилаётгани, улар иштирокида ташкил этилаётган қўшма корхоналарда кўплаб ёшлар самарали фаолият кўрсатаётгани меҳнат менталитетимизда ҳам модернизация жараёнларининг чуқурлашувига туртки бермоқда.

Ўзбекистон ёшлари бугун замонавий саноат ишлаб чиқаришининг энг мураккаб тармоқлари: автомобилсозлик, самолётсозлик, электроника, кимё, радиотехника, металлургия, текстиль соҳаларида қўлланилаётган мураккаб технологиялар билан бемалол тиллашиб, меҳнат менталитети имкониятлари чексиз бой эканлигини амалда кўрсатмоқдалар.

Бугун биргина Фарғона вилоятида турли хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналарнинг сони 130 тадан ошди. 2013 йил 5-6 апрель кунлари Фарғона шаҳрида «Фарғона саноат инвестицион салоҳияти» мавзусида халқаро бизнес форум ташкил этилди. Унда дунёдаги ривожланган 20 дан ортиқ давлатлардан делегациялар иштирок этиб, янги инвестициялар киритиш бўйича меморандумлар имзоладилар. Улар орасида АҚШ, Германия, Польша, Россия, Белгия каби давлатларнинг ишбилармон тадбиркорлари борлиги, тузилган икки томонлама ўзаро манфаатли шартномаларнинг аксарияти саноатга янги технологиялар олиб киришга қаратилгани меҳнатни ташкил этишда янада чуқур янгиланишлар содир бўлишини кўрсатади.

Фарғонада 2012 йили Жанубий Корея давлати билан ҳамкорликда «Уз Сангву» автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарувчи замонавий саноат корхонаси қуриб ишга туширилди. Қўшма

корхонада 400 га яқин маҳаллий ёшлар автомобилсозликда яратилаган энг сўнги технологияларни бемалол бошқармоқдалар. Ёшлардаги ўз меҳнатига бўлган қизиқиш, фаолиятидан тўлиқ маънавий қониқишни юзларига қараб туриб осонгина сезиш мумкин.

Меҳнат муносабатларининг янгиланишида маънавий омилларнинг роли тобора ошиб бормоқда. Зеро, меҳнатни ташкил этишда бу омилларга етарли эътибор бермаслик охир оқибат инсонни маънавий қашшоқлик сари етаклайди. «Бозор иқтисодиёти деб,- таъкидлайди Ислом Каримов,- инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсак-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса – бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ» [2.114].

Бозор иқтисодиёти шароитида инсон маънавиятини юксалтириш ўз-ўзидан амалга ошадиган, содда ва осон иш эмас. Бунинг учун аниқ мақсадни кўзлаб, энг самарали ва таъсирли воситалардан фойдаланиб, турли меҳнат кишилари манфаатларини эътиборга олиб режали ва узвий маънавий-маърифий ишлар олиб бориш талаб этилади. Мустақиллик йилларида бу долзарб масалаларда Юртбошимиз ташаббуси билан кўрилган аниқ-чора тадбирлар бугун ўзининг катта ижобий натижаларини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида бозор муносабатларига ўтиш йўлининг асосий тўртта негизидан бири сифатида айнан ғоявий-мафкуравий асосларни яратиш масаласини қўйганлиги, бу масалада ўз вақтида ташкилий ва методологик ишларга алоҳида катта эътибор берилгани бугун ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, ҳар бир меҳнат жамоасида унинг раҳбари раислигида маънавий-маърифий ишлар бўйича Кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Бу борада эришилган асосий ютуқлар: «... кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончнинг орта боришидир» [3.205].

Мустақил Ўзбекистонда эркин ва ижодий меҳнат фаолияти юритаётган ҳар бир фуқаронинг онги ва тафаккурида ўз меҳнати билан халқига, Ватанига нафи тегаётганлигидан, унинг ривожланиши ва тараққиётига муносиб ҳисса қўша олаётганлигидан мамнуният туйғуси, маънавий қониқиш ҳиссининг яққол сезилаб тургани меҳнат фалсафасидаги янгиланишларнинг сурати ва сийратини кўрсатувчи асосий мезонга айланди. Бизнинг замондошларимиз, у оддий тадбиркор ёки ва фермер бўладими, ўз меҳнати билан юксак маънавий камолотга эришиш сари астойдил ҳаракат қилмоқда. Ўз оиласи ва маҳалласи турмуш фаровонлигини ошириш, миллий-маънавий маданият намуналарини қайта тиклаш, замонавий маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларини барпо этиш орқали бунёдкорлик ва яратувчилик меҳнат қадриятларини ёрқин намойиш қилмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида халқимиз қўлга киритган энг муҳим ютуқлардан бири, таъбир жоиз бўлса, барча муваффақиятларимизга асос бўлётган бош омил меҳнат менталитетининг янгиланишидир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2010, 7-бет
2. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият.-Т.: Ўзбекистон, 1994.
3. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида.- Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Буюк ва муқаддассан, мустақил ватан.- Т.: Ўқитувчи, 2011
5. Халқ сўзи.- 2014.- 18 январь

2014 йил 6 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ортиқов)